



Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» номли кимматли тарихий асарини 943—944 йилларда араб тилида ёзган. Бирок асарнинг араб тилида яратилган илк нусхаси бизнинг давримизгача етиб келмаган. «Бухоро тарихи» 1128 йилда Абу Наср Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср ал-Кубовий тарафидан форс тилига таржима килинган. Таржима жараёнида ал-Кубовий асарга баъзи ўзгариш ва қўшимчалар киритган. Хусусан, Муканна кўзголони тасвирлашда Иброхим исмли муаллифнинг «Ахбори Муканна» («Муканна хақидаги хабарлар») асаридан фойдаланган. Шу туфайли «Бухоро тарихи»нинг бизгача етиб келган форсий нусхаси Муканна кўзголони хақида энг батафсил маълумотлар берувчи манбадир. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари шарқшунос олим Абдуфаттох Расулов тарафидан узбек тилига таржима килиниб, Асомиддин Ўринбоев масъул муҳаррирлигида бир неча бор нашр килинган. Қуйидаги парчалар А.Расулов таржимасидан олинди.

Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий «Бухоро тарихи»дан

Бухорога подшоҳ бўлган хотин ва ундан кейин подшоҳ бўлган унинг фарзандлари хақида

Ундан кейин Бунёт ибн Тагшода Бухорога подшоҳ бўлди. У отаси ислом динида эканлигида тугилган эди. Бир канча вақт мусулмон бўлиб турди. Муканна пайдо бўлиб ок кийимлилар кўзголони Бухоро кишлокларига таркалгач, Бунёт уларга мойил бўлиб ёрдам берди ва натижада ок кийимлиларнинг қўллари узайиб, улар галаба қозондилар. Алоқа (хат-хабар) ишлари бошлиги бу ҳақда халифага хабар юборди, халифа Махдий эди. Махдий Муканна ва ок кийимлилар ишларидан хотиржам бўлганидан кейин (Бухорога) отлик аскарлар юборди. Бунёт Фарахший касрида мажлис (тузиб) шароб ичар ва дарчадан қараб ўтирар эди. У узокдан шошилиш билан келаётган отликларни кўрди ва улар халифа томонидан эканликларини фаросат билан англаб, қарши чора қўришга қиришар-қиришмас отликлар етиб келдилар ва ҳеч бир сўз айтмасдан қиличларини қиндан сугуриб, унинг бошини кесдилар. Бу воқеа бир юз олтиш олтинчи йилда (782—783) бўлган эди. Унинг барча одамлари қочиб кетди, (халифа юборган) отликлар ҳам қайтди.

Муканнанинг хуружи ва унинг тобелари ок кийимлилар

Ахмад ибн Мухаммад ибн Насрнинг айтишича, Мухаммад ибн Жаъфар бу фаслни ўз китобида келтирган-у, лекин тўла баён этган эмас. «Ахбори Муканна» (номли китоб)нинг муаллифи Иброҳим ва Мухаммад ибн Жарир ат-Табарийларнинг айтишларича, Муканна Марв атрофи ахолисидан, Коза деб аталган кишлокдан бўлиб, номи Хошим ибн Ҳаким эди. У илгари кудунгарлик килар эди, кейин эса илм ўрганишга машгул бўлди ва хар хил илмларни: кўзбўямачилик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганди. Кўзбўямачиликни яхши билиб олиб, пайгамбарлик даъвосини ҳам килди ва уни Махдий ибн Мансур хижратнинг бир юз олтмиш еттинчи йилида (783—784) ўлдирди. Муканна кўзбўямачиликни ўрганган ва гоятда зийрак бўлиб кадимги (олимлар) илмларига оид кўп китобларни ўқиган ва жодугарликда устоз бўлган эди. Унинг отасининг номи Ҳаким бўлиб, у Абу Жаъфар Давонакий давридаги Хуросон амири лашкарбошиларида бири эди. У Балхдан чиккан эди.

Хошим ибн Ҳакимни Муканна дейишларига сабаб шу эдики, у жуда хунук, боши кал ва бир кўзи кўр бўлганидан хамиша боши ва юзига кўк парда тутиб юрар эди. Шу Муканна Аббосийлар даъватчиси Абу Муслим замонида Хуросон лашкарбошиларида бири бўлиб, Абдулжаббор Аздийга вазир бўлди ва пайгамбарлик даъвосини килди ва бир канча вақт шу даъвода турди. Абу Жаъфар Давонакий одам юбориб уни Марвдан Бағдодга олдириб келди ва бир неча йил давомида зиндонда тутди. Шундан кейин у зиндондан кутулиб яна Марвга кайтиб келди ва одамларни йигиб: «Менинг ким эканимни биласизми?» — деб сўради. Одамлар: «Сен Хошим ибн Ҳакимсан», — дедилар. У: «Янглишдингиз, мен сизнинг ва бутун оламнинг худосиман», — оғзига тупрок, — ва яна: «Ўзимни кандай ном билан аташни истасам атайбераман», — деди ҳамда: «Мен халкка ўзимни Одам (Ато) суратида, кейин Нух суратида, кейин Иброҳим суратида, кейин Мусо суратида, сўнг Исо суратида, кейин Мухаммад мустафо — худо унга раҳмат ва сало-мини йўлласин, — суратида, кейин Абу Муслим суратида кўрсатган зотман, энди эса мана ўзингиз кўриб турган суратдаман», — деди. Одамлар: «Бошқалар пайгамбарлик даъвосини килган эдилар, сен эса худолик даъвосини килаяпсан», — дедилар. Муканна: «Улар нафсоний эдилар, мен эса рухонийман ва уларнинг (ба-данлари) ичида эдим, менда шундай кудрат борки, ўзимни кандай суратда кўрсатишни истасам, шундай суратда кўрсата бераман», — деди.

Муканна хар бир вилоятга нома ёзиб, ўзининг доий (ташвикотчи) ларига берди. Номага мана шуларни ездди: «Раҳмли ва меҳрибон тангри номи билан, саййидлар саййиди Хошим ибн Ҳакимдан фалончи ўгли фалончига, ҳамд худога бўлсин, ундан бошка худо йўк. У Одамнинг ҳам, Нух, Иброҳим, Исо, Мусо, Мухаммад ва Абу Муслимларнинг ҳам худосидир. Сўнгга (сўз шуки), кудрат, эғалик, иззат ва хужжат Муканнаникидир; менга имон келтиринг ва билингки, подшоҳлик менга хос, — унга лаънатлар бўлсин, — азизлик ва худолик меники, мендан бошка худо йўк, — оғзига тупрок — кимки менга имон келтирса, жаннат ўшаники, кимки менга имон келтирмаса дўзах уники».

У хали Марвда турган вақтидаёқ хар ерга доийларини юборди ва кўп халкни йўлдан

оздирди. Марвда араблардан Абдуллох ибн Амин номли бир киши бор эди, у Муканнага имон келтирди ва кизини унга хо-тинликка берди. Ана шу Абдуллох Жайхундан ўтиб Нахшаб ва Кеш шаҳарларига келди ва ҳар ерда халкни лаънати Муканна динига чакириб, кўп кишини йўлдан оздирди. (Бундайлар) Кеш шаҳрида ва унинг кишлокларида кўпроқ эди. Дастлаб Муканна динига кирган ва унинг динини юзага чиқарган кишлоқ Кешнинг Субах номли кишлоғи бўлиб, кишлоқ аҳолисининг улуг кишиси Умар Субахий эди. Улар кўзголон кўтардилар. Уларнинг амири араблардан бўлиб, порсо бир киши эди, уни ўлдирдилар. Сўгднинг кўпчилик кишлоклари Муканна динига кирди, Бухоро кишлоқларидан кўп кишилар кофир бўлиб, кофирликни ошқор қилдилар. Нихоят бу фитна улгайиб кетди ва мусулмонлар учун каттик бало бўлди; (муканначилар) қарвонларни уриб, кишлоқларни талар ва кўп ваиронагарчиликлар қилар эдилар.

Муканнанинг Мовароуннахрга бориш сабаби бундам эди: Муканна воқеаси хабари Хуросонга ёйилгач, Хуросон амири бўлган Хумайд ибн Кахтаба уни ту-тишга буюрди. Муканна эса ўз кишлоғидан кочиб, беркиниб юрар эди. Охири Муканнага Мовароуннахр вилоятида кўп халқ унинг динига киргани ва шу диннинг тарқалгани маълум бўлди ва у Жайхундан ўтишга қасд қилди. Хуросон амири: «Жайхун дарёси лабида уни сокчилар пойлаб турсинлар», — деб буюрган эди. Муканна Жайхун дарёсидан ўтмоқчи бўлса уни тутиб олиш учун юзта отлик аскар Жайхун киргоғида юкори ва қуйи томон ҳамиша юриб турдилар. Муканна ўттиз олти киши билан Жайхун дарёси лабига келиб сол тайёрлаб Жайхундан ўтди ва Кеш вилоятига борди. У вилоят Муканнага бўйсунди ва халқ унга рағбат қилди. (Шу вилоятдаги) Сом тоғи тепасида гоётада мустаҳкам бир ҳисор бўлиб, унда оқар сув, дарахтлар ва экин ерлар бор эди. Бу ҳисор (ичида) ундан ҳам мустаҳкамроқ яна бир ҳисор бор эди. Муканна уни тузатишга буюрди ва уни тузатдилар. Муканна у ерга кўп мол ва бехисоб озик-овқат йигди. Сокчилар тайинлади. Ок қийимлилар кўпайишиб кетдилар ва мусулмонлар уларга қарши тадбир қўллашдан ожиз қолдилар. Бу овоза Бағдодга бориб етди; ўша вақтда Махдий халифа эди, у жуда қайгуриб, Муканнага қарши қурашиш учун кўп лашкар юборди ва охири бу фитнани даф қилиш мақсадида ўзи ҳам Нишопурга келди. Махдий ислом дини ҳароб бўлиб, Муканна дини бутун дунёга тарқалиши хавфидан қўрқар эди. Муканна туркларни чақирди ҳамда мусулмонларнинг қони ва молини улар учун ҳалол қилиб (ҳукм чиқарди). Туркистондан талончилик таъмасида кўп лашкар келди. Улар вилоятларни талар, мусулмонларнинг хотин ва болаларини асир қилиб олар, ўлдирар эдилар. Улар дастлаб Бухорода пайдо бўлдилар.

Муканнанинг ҳаммаслақлари бўлган ок қийимлилардан бир гуруҳи Нумижкат деб аталган бир кишлоққа бордилар ва кечаси масжидга кириб муаззинни ўн беш киши билан биргаликда ўлдирдилар; бутун кишлоқ аҳолисини ҳам ўлдирдилар. Бу воқеа бир юз эллик тўққизинчи йилда (775—776) содир бўлди. (Бу вақтда) Бухоро амири Хусайн ибн Маоз эди.

Муканна тоифасининг катталаридан бухоролик Ҳаким (ибн) Аҳмад номли бир киши бўлиб, у билан бирга яна учта лашкарбоши бор эди. Улардан бирининг номи Ҳашвий, иккинчисиники Богий бўлиб, бу икко-ви Фузайл қўшқидан эдилар. Учтинчисининг номи — Гирдак, у Гиждувон кишлоғидан эди. Буларнинг ҳар учаласи ҳам жанговар кишилар бўлиб айёр, босқинчи ва ўғри эдилар. Уларнинг кишлоқ аҳолисини ўлдирганлиги хабари шаҳарга етгач, Бухоро аҳолиси жам бўлдилар ва амирнинг олдига бориб: «Бу ок

кийимлилар билан албатта жанг килишимиз керак», — дедилар. Бир юз эллик тўққизинчи йил ражаб ойида (апрель-май 776) Хусайн ибн Маоз ўз лашкари билан ва Бухоро козиси Омир ибн Умар ибн Имрон Бухоро ахолиси билан чи-киб Наршах кишлогига бордилар, — ҳозир бу кишлокни Наржак дейдилар, — ва ок кийимлилар каршисида лашкаргох туздилар.

Шунда Бухоро козиси: «Биз уларни ҳақ динга чакирамиз, улар билан урушиш биз учун муносиб эмас», — деди. Кейин кози яхши тадбиркор одамлар билан бирга уларни ҳақ динга чакириш учун кишлокка кирди. Ок кийимлилар: «Биз бу сиз айтаётган нарсаларни билмаймиз», — деб кундан-кунга кофирликла-рини кучайтирдилар ва насихатни қабул қилмадилар. Шундан кейин жанг бошланиб кетди. Биринчи бўлиб ок кийимлиларга ҳамла қилган киши араблардан Наим ибн Сахл номли киши эди. У кўп урушлар қилиб бир канча кишини ўлдирди ва охир ўзи ҳам ўлдирилди. Ок кийимлилар енгилдилар, улардан етти юз киши ўлдирилди ва қолганлари қочдилар. Шу билан ўша кун тамом бўлди.

Эртасига тонг отгач, ок кийимлилар элчи юбориб мусулмонлардан омон сўрадилар ва: «Биз мусулмон бўлдик», — дедилар. Мусулмонлар улар билан сулҳ тузиб, сулҳнома ёздилар ва уларга бундан буён йўлкесарлик қилмаслик, мусулмонларни ўлдирмаслик, ўз кишлокларига тарқалиш, ўз амирларига бўйсунуш шархларини қўйиб, худо ва пайгамбар аҳдини уларга маҳкам юкладилар. Шахарнинг ҳамма қатталари сулҳномага қўл қўйдилар.

Мусулмонлар қайтиб кетгач, улар аҳдларидан қайтиб яна йўлкесарлик билан машғул бўлдилар. Улар мусулмонларни ўлдирар ва эндигина бош хортхан қўқ экин (дон)ларни Наршах хисорига олиб кетар эдилар. Мусулмонларнинг иши кийинлашди. Халифа Махдий ўз вазири Жаброил ибн Яҳёни Муканнага қарши жангга юриш учун юборди. У Бухорога келиб Муканнага қарши жангга юриш учун Дарвозайи Самаркандда лашкаргох қурди. Хусайн ибн Маоз унинг олдида бориб: «Сен (аввал) ок кийимлиларга қарши урушда менга ёрдам бер, бу ишдан бўшагач, биз сен билан бирга Муканнанинг (ўзига) қарши урушга борамиз», — деди.

Жаброил бу таклифни қабул этди-да, лашкарини оёққа турғизиб Наршах кишлогига борди, кишлоқ атрофига хандак казишга буюриб, хандак ичини лашкаргох қилди; ок кийимлилар кечаси чиқиб ҳужум қилиб қолмасинлар деб лашкарга ҳушёр бўлиб туришга буйруқ берди. Худди у айтгандек бўлиб қикди; ок кийимлилар дастлабки кечадаёқ кишлоқдан чиқиб ҳужум қилиб кўп вайронлик қилтирдилар. Бухоро амири Хусайн ибн Маоз Жаброилга кўп меҳрибонлик қўрсатиб, ундан то бу иш ҳамом бўлхунича Қешга кетмай Бухорода бўлишни сўради.

Жаброил урушни бошлаб юборди. Тўрт ой мобайнида эртаю кеч узлуксиз урушдилар, ок кийимлилар галаба қозонмаган бир кун ҳам бўлмади. Мусулмонлар қорасиз қолиб тадбир излашга ҳушдилар. Молик ибн Форим: «Мен бир тадбир қўрсатаман», — деди-да, лашкаргохдан то хисор деворигача ариқ қавлашга буюрди ва у ерга қуролли кишиларни юбориб канча жой қавласалар уни қўп, қамиш ва қупроқ билан мусҳаҳкамлаб беркитиб боришга буюрди. (Шу тарзда) хисор девори тагигача қазиб етдилар ва (хисор девори тагини) эллик ҳаз миқдорида қавлаб устунлар қўйиб маҳкамладилар. Эллик ҳаз жой қавланиб бўлгач, уни ўтин билан тўлғазиб нефть сепдилар-да, у устунлар ёниб қўрган девори йиқилсин деб ўт қўйиб юбордилар. Аммо олов ёнмади, чунки олов ёниши учун унга шамол тегиши керак. Хисор ичида эса шамол ўтадихан йўл йўқ эди. Хисорнинг таги қавланган минорасига палакмонларни тўғрилаб қўйиб тош отган эдилар, тешиқ очилиб

шамол чикишга йўл топди, олов олиб устунлар ёнди ва хисор деворининг эллик газча жойи йиқилди.

Мусулмонлар киличбозликка киришиб кўп кишини ўлдирдилар, колганлар омонлик хилаб, илгариги ахдномага мувофик мусулмонларни ранжитмаслик, ўз кишлокларига қайтиб кетиш, ўз улугларини халифа олдига юборилишига (рози бўлиш) ва ўзлари билан бирха курол-ярог олиб юрмаслик шархлари билан сулх туздилар ва (кишлокдан) ташкари чикиб хандакдан ўтдилар. (Аммо) улар яширин суратда куролга эга эдилар. Ок кийимлиларнинг каттаси бўлган Хакимни Жаброил ўз ўгли Аббосга топшириб: «Буни олиб бориб саропардага қўй ва яширин равишда ўлдир», — деди. Унинг амрига мувофик иш қилиб, Хакимни саропардага олиб бордилар. Ок кийимлилар узокдан (караб) турган эдилар. Жаброил саропардаха борган эди, ок кийимлилар Хакимнинг дўсти бўлган Хашвийни юбориб у оркали Жаброилха: «Биз Хакимни олмасдан кетмаймиз», — дедилар. Хашвий янги этик кийган эди. У Жаброилга шу сўзларни айтиб турган эдики, Жаброилнинг ўгли Аббос келиб: «Хакимни ўлдирдим», — деди. Жаброилнинг буйруги билан дархол Хашвийни отдан тушириб ўлдирдилар. Ок кийимлилар кичкиришиб куролларини қўлга олдилар ва жанг бошланиб кетди. Жаброил бутун лашкарини отга минишга буюрди. Илгаригидан кучлирок уруш бўлди. Каттик жанглар қилдилар ва охири ок кийимлилар яна енгилиб, улардан кўп халк ўлдирилди, тирик колганлари кочдилар.

Наршах кишлогининг ҳукмдори бир хотин киши эди, унинг эрининг номи Шараф бўлиб Абу Муслимнинг лашкарбошиси бўлган ва мархум Абу Муслим уни ўлдирган эди. Бу хотинни Жаброилнинг олдига олиб келдилар, у билан амакисининг бир кўр ўгли бирга келди, у багоят палид ва бадкор эди. Жаброил у хотинга: «Абу Муслимнинг гунохидан кеч!» — деди. Хотин: «Абу Муслим деб мусулмонларнинг отасига айтилади, менинг эримни ўлдиргандан кейин у мусулмонларнинг отаси бўладими?!» - деди. Жаброилнинг буйруги билан хотинни белидан икки бўлиб ташладилар ва амакисининг ўглини ҳам ўлдирдилар.

(Хакимнинг лашкар. бошликларидан бири бўлган) Гирдак Муканнанинг олдига кетди. Улардан бири Богий эса урушда ўлдирилди. Жаброил Сўгд ок кийимлиларининг дилларига кўркинч солиш учун ўлдирилган (бошлик)лар калласини Сўгдга олиб борди. Сўгд ахолисига Муканнанинг лашкар бошликларидан Сўгдиён номли бир киши амир бўлган эди; Сўгд ахолиси у билан иттифок бўлдилар. Жаброил Сўгд ахолиси билан кўп урушди ва охири Бухоро ахолисидан бир киши Сўгдиённи ўлдирди ва бу кавм таркалиб кетди.

Жаброил у ердан Самаркандга борди ва то Маоз ибн Муслим Хуросонга амир бўлгунга қадар турклар ва ок кийимлилар билан кўп урушлар қилди.

(Маоз ибн Муслим) бир юз олтмиш биринчи йил-да (777—778) Марвга келди ва бу ердан иш бошлаб, Омуй биёбонига кириб кетди. Бухорога етганида Бухоро ахолиси (орасидаги) дехконлардан жангчи кишиларни йигдилар; беш юз етмиш минг киши йигилди. Маоз ибн Муслимнинг фармони билан уруш куролларини кўплаб тайёрладилар; у хунармандларнинг лашкар ичида иш берадиган хар бир жинсидан уч минг ишчи кишини тешалар, беллар, тўкмок ва болталар билан таъминлаб мухайё қилиб қўйди; палакмонлар, нарвонлар ва девор тешадиган куроллар ишлатди ва энг яхши куроллантирилган лашкар билан Сўгдга караб юзланди.

Сўгдда ок кийимлилар кўп эдилар, турк лашкари ҳам кўп келган эди. Харий (Хирот)нинг амири Харийдан ўн мингта қўй олиб келган эди, ўзи билан бирга олиб юрди. Маоз ибн

Муслим унга: «Душманимиз турклар бу ерда бизга якин жойда туриптилар, улар кўйни жуда яхши кўрадилар, бу кўйларни Бухорода колдир ёки менга сот, мен уларни лашкарга таксим килиб берайин!» — деса у рози бўлмади. Турк аскарларидан бир тўдаси чикиб хужум килдилар-да, хамма кўйларни Арбинжон билан Зармон ўртасидаги бир манзилга олиб кетдилар. Турклар кетидан лашкар борган эди, улар-нинг хам баъзиларини ўлдирдилар, баъзилари эса мағлубиятга учраб қайтиб келдилар.

Маоз ибн Муслим Сўғд ва Самаркандга бориб, турклар хамда ок кийимлилар билан икки йилгача кўп урушлар килди, гоҳ у ва гоҳ душман галаба қозонар эди. Икки йилдан кейин у Хуросон амирлигидан истеъфо берди ва Мусайяб ибн Зухайр ал-Забий Марвда бир юз олтмиш учинчи йил жумод ал-аввал ойида (январь-февраль 780) Хуросонга амир бўлди ва ражаб ойида (март-апрель 780) Бухорога келди. Шу вақт Бухоро амири Жунайд ибн Холид эди, уни Хуросон амири Хоразмга юборди.

Бухорода Муканна саркардаларидан бўлган Кулортегин номли бир саркарда бор эди, у лашкар ва мулозимлар тузиб Мусайяб билан урушлар килди.

Хикоят: Мухаммад ибн Жаъфарнинг ривоят қилишича, Муканна лашкаридан мовароуннахрликлар, турклар ва бошқалардан иборат эллик мингги унинг хисори дарвозасига йигилиб, сажда ва зорий қилиб ундан дийдор кўрсатишни сўрадилар. Хеч бир жавоб ололмагач, яна сўрашда давом этиб: «Ўз эгамизнинг дийдорини кўрмас эканмиз, бу ердан қайтиб кетмаймиз», — дедилар. Муканнанинг Хожиб номли бир кули бор эди, Муканна унга: «Бандаларимга, — оғзига тупрок, — айт, Мусо мендан дийдор кўрсатишни сўради, тоқат қилолмаслиги сабабли кўрсатмадим. Мени қурган ҳар бир киши тоқат қилолмай дарҳол ўлади», — деди. Улар ялиниб-ёлвориб яна сўрайбердилар ва: «Биз дийдор истаймиз, агар ўлсак, бу айни муддао», — дедилар. Муканна: «Фалон қуни келинг, сизга дийдор кўрсатаман», — деб ваъда берди.

Шундан кейин Муканна хисорда ўзи билан турадиган хотинларга буюрди, улар Сўғд, Кеш ва Нахшаб дехконларининг қизларидан иборат бўлиб, юзта хотин эдилар. Муканнанинг шундай одати бор эди: қаерда хушрўй хотин бўлса унга хабар берар эдилар ва Муканна уни олдириб қилиб ўзи билан бирга саклар эди. Хисорда у билан бирга шу хотинлар ва ўша хос қулдан бошқа ҳеч қим бўлмас эди. Хисордагиларнинг озик-овқат қаби эҳтиёжлари бўлса, ҳар қуни бир марта хисор дарвозаси очилар, ташқари томонда эса бир вакил бўлиб, у керакли нарсаларни тайёрлар, ҳалиги қул вакилни чақириб у нарсаларни хисор ичкарасига олиб қирғач, яна хисор дарвозасини беркитар эди. Шундай қилиб, у ўша хотинларнинг ҳар бирига ойна олиб хисорнинг тепасига чикиб бир-бирининг рўбарўсига туришга ва қуёш нури ерга тушган пайтда барча ойналарни қўлга олиб, бетафовут бир-бирига рўбарў қилиб тутишга буюрди. Халқ тўпланган эди. Қуёш нури ойналарга тушгач, унинг акси билан ўша жой нурга тўлиб кетди. Шу вақт Муканна қулига: «Ана қаранг! Худо ўз юзини кўрсатяпти деб, бандаларимга айт», — деди. Тўпланган халқ қараб, бутун жаҳоннинг нурга тўлганини кўриб кўрқдилар ва ҳаммалари бирдан сажда қилиб: «Эй худо! Қудратинг ва улуглигингни шунчалик кўрганимиз етади, бундан кўпроқ кўрсак юрагимиз ёрилади», — дедилар. Улар хануз саждада эканлар, Муканна яна қулига: «Саждадан бошларингизни кўтаринг! Худо сиздан рози ва гуноҳларингизни кечди, деб умматларимга айт», — деди. У жамоа кўрқкан ва ваҳимага тўлган ҳолда бошларини саждадан кўтардилар. Шу вақт Муканна: «Хамма вилоятларни сизлар учун ҳалол қилдим. Қимқи менга имон қелтирмаса, унинг қони, моли ва фарзандлари сиз учун

халол», — огзига тупрок, — деди. Шундан кейин у жамоа талончиликка юз ўғирди. Бу жамоа бошқалар олдида фахрланиб: «Биз худони кўрдик», — дер эди.

Муканнанинг халок бўлши сабаби

Хирот амири бўлган Саъид кўп лашкар билан Муканна хисорининг дарвозасига келиб кўнди, уйлар ва хаммомлар куриб, ёзин-кишин шу ерда бўлдилар.

Хисорнинг ичида чашма, дарахтлар ва экинзорлар бор эди. Муканнанинг хос кишилари ва сипохсолорлар кучли лашкар билан хисор ичида эдилар. Хисор ичкарасида, тоғ тепасида яна бошка бир хисор бўлиб, у хисорга ҳеч кимга йўл йўк эди. Муканна ўша хотинлар билан (шу) хисорда турар эди.

Унинг одати шундай эдики, ҳар куни ўша хотинлар билан бирга овкатланар ва улар билан шароб мажлисида ўтириб шароб ичар эди. Шу тартибда у ўн йил ҳаёт кечирди. (Охири) Хирот амири унинг ишини огирлаштириб, лашкарлари таркалиб кетди, хисорда бўлган сипохсолор эса хисор дарвозасини очди ва бўйсуниб ташқари чикди; ислом динини қабул этди. Мусулмонлар хисорни олдилар. Муканна ички хисорни саклаб қололмаслигини тушунди.

Мухаммад ибн Жаъфарнинг Кеш дехконларидан бўлган Абу Али Мухаммад ибн Хорундан ривоят қилишича, Абу Али шундай деган: «Менинг бувим Муканнанинг ўзи учун олиб келиб хисорда саклаб турган хотинлари жумласидан бўлган экан. У шундай хикоя қилар эди: «Бир куни Муканна хотинларни ўз одати бўйича овкат ейишга ва шароб ичишга ўтиргизиб, шароб ичига захар солди-да, ҳар бир хотин учун биттадан хос қадах туткизиб айтди: «Мен ўз қадахимдаги шаробни ичганим-да, сизлар ҳам қадахларингизни бутунлай бўшатишингиз лозим». Хамма хотинлар ичдилар, мен эса ичмасдан шаробни кўйлагим ёқасига тўқдим, Муканна буни пайкамади. Хамма хотинлар (хушсиз) йикилиб ўлдилар; мен ҳам ўзимни уларнинг орасига ташлаб ўлганга солиб ётдим. Муканна менинг холимдан беҳабар эди. Кейин Муканна ўрнидан туриб қараб, хамма хотинларнинг ўлиб ётганини кўрди-да, ўз қулининг олдида борди ва қилич билан унинг қалласини кесди. Муканнанинг фармони билан уч кундан бери тандир қизитаётган эдилар. Муканна ўша тандир ёнига бориб қийимини ечди ва ўзини тандирга отди. Тандирдан бир тутун чикди. Мен у тандир олдида бориб унинг вужудидан ҳеч асар кўрмадим. Хисорда бирор тирик киши йўк эди.

Унинг ўзини ўзи қуйдиришига сабаб шу эдики, у ҳамиша: «Қачон бандаларим менга бўйсунмасалар, мен осмонга чиқиб у ердан фаришталарни олиб келаман ва уларни бўйсундираман», — дер эди. «Халқ Муканна фаришталарни олиб келиб, бизга осмондан ёрдам бериш учун осмонга чиқиб кетди; унинг дини дунёда (абдий) қолади», — десин деб Муканна ўзини ўзи қуйдирди. Кейин у хотин хисор дарвозасини очди ва Саъид Хараший қириб у ердаги ҳазинани олди».

Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср шундай дейди: «Бу қавмдан Кеш ва Нахшаб вилоятида, Қушки Умар, Қушки Хиштивон ва Зармон қишлоғи қаби Бухоро қишлоқларида ҳозирда ҳам сакланиб қелмокда. Улар ўзлари Муканнанинг қим эканлигидан бутунлай ҳабарсиз

бўлсалар ҳам, унинг ўша динидалар. Уларнинг тутган йўллари шуки, намоз ўқимайдилар, рўза тутмайдилар ва жунуб бўлганларида гусл килмайдилар, лекин омонатга хиёнат килмайдилар. Бу одатларининг хаммасини мусулмонлардан яширин тутадилар ва мусулмонлик даъво киладилар.